SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

2/S-son (4-jild)

2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4SI2Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ S/2 (4) – 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров ҚулматАширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## *07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ*

*Полвонов Козимбек*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ........ 10-15

*Xadjamuratova Matlyuba*
MAKTABGACHA TA'LIMDA BOLALARNI IJTIMOIY HIMOYA QILISHGA INNOVATSION YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI ........ 16-21

*Шовкатов Шокир Шовкат ўғли*
АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР ........ 22-31

*Mo'minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o'g'li*
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O'ZGARISHLAR VA ULARNING AHAMIYATI ........ 32-36

*Пардаев Асрор*
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ........ 37-42

## *08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ*

*Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи*
ЖАХОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 43-52

*Рахманов Зафар*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ ........ 53-62

*Аминов Фазлитдин Бахадирович*
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ........ 63-70

*Курбонова Шахриноз Авазхоновна*
ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ........ 71-81

*Azimova Hulkar Egamberdiyevna*
KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O'RNI ........ 82-87

*Rajabov Orzujon* Mamasoliyevich
LOGISTIKA XIZMATLARINI KO'RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF THINGS)DAN FOYDALANISH ........ 88-93

*Саидов Сарвар Хайруллоевич*
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ........ 94-104

*Сержанов Аймурат Медетбаевич*
ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ ЗАРУРИЯТИ ........ 105111

*Туробов Шерзод Алишерович, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ........ 112-119

*Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi*
O'ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH YO'LLARI ........ 120-126

*Temirova Feruza Sagdullayevna*
XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK ........ 127-132

*Sharipova Shaxzoda Xasanovna*
YANGI O‘ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ........ 133-138

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Алимова Шахноза Хамидовна*
НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУҲ СИФАТИДА ........ 139-147

*Асракулова Адиба Набиевна*
“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ ........ 148-154

***10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***

*Teshabayeva Dilfuza Muminovna*
LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS MEDIA ........ 155-160

*Rustamov Ilxom Tursunovich, Inog’omjonova Robiya Rustamjon qizi*
INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING TADQIQOTLARI VA QARASHLARI ........ 161-165

*Abdikhamidova Sevinch Obidjon kizi*
PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS ........ 166-170

*Djurakulova Elmira Suyunova*
SHOYIM BO‘TAYEV ROMANLARIDA BADIIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN ........ 171-177

*Dalieva Madina Khabibullaevna*
THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR ........ 178-183

*Жўраева Ирода Ахмедовна*
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУҒАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ........ 184-189

*Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna*
INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI BIRLIKLARNING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI ........ 190-193

*Irgasheva Shoxida Sadriddinovna*
INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI ........ 194-200

*Tursunova Zarina Farxodovna*
LINGVISTIKADA EMOTLARNI O‘RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI ASOSIDA) ........ 201-205

*Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich*
PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF TURKOPHONES ........ 206-212

*Radjabova Hafiza Shukrulloyevna*
INGLIZ VA O‘ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI ........ 213-220

*Avezova Dilovar Salimovna*
TAXALLUSLARNI O’RGANISHNING NAZARIY JIHATI ........ 221-225

*Alikberova Kamila Adhamovna*
A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION ..................... 226-232

*Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi*
THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS ............................................... 233-238

*Valieva Nargizakhon Zamir kizi*
COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT............. 239-244

*Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna*
RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI ........................................................................................................................................ 245-251

*Alimova Kamola Tursunovna*
CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS ................................................. 252-258

*Сейтимбетова Айкумар Пулатбаевна*
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ........................................... 259-264

*Бегжанова Айсилиу Махмудовна*
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..........................................................................265-270

*Kubanova Ilmira Sharifovna*
EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS ........................................................................................................................................ 271-275

*Azamjonova Sarvinoz*
USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA ............................................................... 276-282

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Muxiddinova Dildora Muxidddinovna*
O‘ZBEKISTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KIOTO KONVENSIYASINI JORIY ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI VA JSTGA A’ZOLIKNING TA’SIRI ........................................................ 283-292

*Asadov Eldorjon Nizomiddin o‘g‘li*
SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLIYAVIY NAZORATI INSTITUTINING MUHIM OMILI ..................................................................................... 293-298

*Mustanov Ilxom Abdivalijonovich*
BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JIHATLARI ........................................................................................................................................ 299-304

*G‘oyibov Jo‘rabek Choriyevich*
YOSHLAR MIGRATSIYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI .............................................. 305-309

**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Kuziyev Otabek Chuliyevich*
TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO‘NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM UCH BOSQICHI ........................................................................................................ 310-314

*Fattaxova Diloram*
TIL O‘QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI ...................................... 315-321

*Moydinova Elmira*
APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY

CLASSROOM ........ 322-326

*Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi*
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI ........ 327-333

*Doniyorova Gulrux Shoniyozovna*
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI ........ 334-338

*Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna*
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI ........ 339-344

*Xo'jamberdiyeva Dilfuza Ikramovna*
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA ........ 345-351

*Mamaraimov Bekzod Qodirovich*
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI ........ 352-356

*Xudayberdiev Nurislam Nuralievich*
BO'LAJAK O'QITUVCHILARINING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI ........ 357-363

*Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich*
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR ........ 364-369

*Teshaboyeva Shahodat*
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI ........ 370-375

*To'rayeva Dilnoza Ismoilovna*
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA ........ 376-380

*Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna*
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR ........ 381-388

*Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich*
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH ........ 389-393

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/2(4)-2024**
**ISSN: 2181-1342 (Online)**
**https://scienceproblems.uz**

**Жўраева Ирода Ахмедовна**
Филология фанлар номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
Университети, Хорижий тил ва адабиёти кафедраси доценти
e-mail: irodajuraeva@gmail.com

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУҒАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

**Аннотация:** Мақолада инглиз ва ўзбек антропонимик луғатларининг типологияси ҳақида фикр юритилади. Унда инглиз ва ўзбек тилларидаги антропонимик луғатларнинг турлари: босма ва онлайн антропонимик луғатлар ва уларнинг турлари, тузилиши, мазмуни, ҳажми ҳақида, шунингдек, бир тилли ва икки тилли луғатлар, маълумотларни жойлаштириш услубига кўра, даврийлиги, ҳажмига кўра, жинс турига кўра, ижтимоий мавқе, ёшига кўра турлари таҳлил қилинган.
**Калит сўзлар:** антропоним, лексикография, мазмун, шакл, типология, қоғоз ва электрон, даврийлиги, бир тилли луғатлар, икки тилли луғатлар, жинс- тур, лингвомаданий.

**Juraeva Iroda Akhmedovna**
Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
of the Department of Foreign language and Literature NUUz

## TYPOLOGY OF ENGLISH AND UZBEK ANTHROPONYMIC DICTIONARIES

**Abstract:** The article examines the typology of English and Uzbek anthroponymic dictionaries. It analyzed the types of anthroponymic dictionaries in English and Uzbek: printed and online anthroponymic dictionaries and their types, structure, content, volume, as well as monolingual and bilingual dictionaries, according to the method of data placement, by frequency, by volume, by type of gender, by social status, by age.
**Keywords:** anthroponym, lexicography, content, form, typology, paper and electronic, periodicity, monolingual dictionaries, bilingual dictionaries, gender type, linguocultural.

**Жураева Ирода Ахмедовна**
Кандидат филологических наук, доцент
Доцент кафедры “Иностранный язык и литературы” НУУз

## ТИПОЛОГИЯ АНГЛИЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ АНТРОПОНИМИЧЕСКИХ СЛОВАРЕЙ

**Аннотация:** В статье рассматривается типология английского и узбекского антропонимических словарей. В нем были проанализированы виды антропонимических словарей на английском и узбекском языках: печатные и онлайн-антропонимические словари и их типы, структура, содержание, объем, а также одноязычные и двуязычные словари, по способу размещения данных, по периодичности, по объему, по типу пола, по социальному статусу, по возрасту.
**Ключевые слова:** антропоним, лексикография, содержание, форма, типология, бумажная и электронная, периодичность, одноязычие словари, двуязычие словари, род тип, лингвокультурный.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N25

**Кириш.** Бугунги кунда турли луғатларнинг яратилиш тарихини, структурасини, моҳиятини ўрганиш ва уларнинг қиёсий таҳлили кенг ўрганилмоқда. Шу жумладан, антропонимик луғатлар ҳам кенг омма орасида кўп қўлланилади. Инглиз тилида турли мазмундаги антропонимик луғатлар АҚШ ва Буюк Британияда нашр этилган. Ўзбек тилидаги антропонимик луғатларнинг сони ва ҳажми ҳам мамлакатимизда анча кўпайиб бормоқда. Ушбу луғатларнинг мазмуни ва тузилиши жиҳатидан жуда хилма-хил бўлиб, уларда атоқли отларнинг берилиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Замонавий лексикографияда луғатларнинг типологик бўлиниши турли хил хусусиятлар ва услублар асосида бўлинади. Масалан: луғатнинг мақсади, луғат фойдаланувчисининг ижтимоий-маданий хусусиятлари, луғат ҳажми, ҳақиқий материал ва унинг луғатда жойлашганлиги. Лексикографиянинг фан сифатида ривожланиш тарихида бир неча бор ягона тасниф яратишга уринишлар қилинган, аммо ҳозирги вақтда фақат турли тилшунослар томонидан яратилган ва битта умумий типга бирлаштирилмаган алоҳида типологиялар мавжуд. Энг машҳур типологиялар Д.В.Девкин, Л.В.Шчерба, П.Н.Денисов, Л.Згусталар томонидан яратилган. Бунинг сабаби турли луғатларнинг кўплиги ва хилма-хиллигидадир. Л.П.Ступин таъкидлаганидек, "инглиз тили луғатларининг мавжуд турлари жуда хилма-хилдир. Шунинг учун ҳар қандай миллий лексикографияда биз ҳар хил турдаги ўнлаб ёки ҳатто юзлаб луғатларни топамиз". Шу муносабат билан, бир томондан, луғатларни таснифлаш лексикографиянинг асосий муаммоларидан бири бўлса, бошқа томондан, ягона таснифни яратишга уринишлар муаммолидир [19; 12].

Лексикография назарий ва амалий лексикографияга бўлинади. Назарий лексикография луғатнинг макроструктураси (лексикани танлаш, сўзликнинг ҳажми ва хусусиятлари, материалнинг жойлашув тамойиллари) ва микроструктураси (луғат мақоласининг тузилиши, луғавий изоҳларнинг турлари, сўз ҳақидаги турли маълумотларнинг нисбати), луғатлар типологиясини шакллантириш, лексикография тарихи кабилар билан шуғулланса, амалий лексикография бевосита ижтимоий муҳим вазифаларни бажариб, тил ўрганишни таъминлайдиган, тил, тилларaро алоқа, тилни илмий ўрганишни меъёрлаштириш ва тасвирлаш кабилар билан шуғулланади. Луғатлар типологияси масаласи ҳар доим лексикография назариясининг асосий масаласи ҳисобланган, чунки мавжуд маълумотномаларнинг турли жанрлари, кириш бирликларини рўйхатга олиш ва лексикографик қайта ишлаш усуллари дастлаб уларни таснифлаш зарурати бўлган. Бу савол барча миллий лексикографияда, шу жумладан бой тарихга эга ва турли хил ва ҳажмдаги энг катта луғатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқдир[21].

**Муҳокама.** Қуйида антропоним луғатларининг типологиясини М.С.Ковалеванинг таснифи бўйича кўриб чиқамиз[12.13].

1) ахборотни қайта ишлаш принципига кўра, яъни луғатнинг турига қараб қоғоз ва электрон луғатлар;

а) қоғозларда нашр қилинган луғатлар - маълумотларни босма яъни китоблар шакли бўйича;

б) электрон шаклидаги луғатлар;

2) ишлатилган тиллар сонига кўра луғатлар бир тилли ва икки тилли луғатлар; а) бир тилли луғатлар; б) икки тилли луғатлар;

3) сарлавҳа сўзларини ёзиш усулига кўра, яъни луғатдаги материални жойлаштириш турига кўра луғатлар куйидагича гуруҳларга бўлинади:

а) антропонимларнинг алифбо тартибида жойлашиши. Сарлавҳа сўзларининг алифбо тартибида жойлаштирилган луғатлар ананавий луғатлар ҳисобланади;

б) алифбо - тематик луғатлар;

4) антропоним луғатларининг ҳажмига кўра:

а) катта луғатлар;

б) ўртача луғатлар;

с) кичик луғатлар;

5) антропонимнинг вақт қамровига кўра ҳар хил турларга бўлиш мумкин:

а) замонавий антропонимлар:

б) маълум бир йилда ишлатилган ёки энг машҳур антропонимлар;

с) маълум бир даврда фойдаланилган антропонимлар луғати.

6) антропоним луғатларини миллийлик тамойилига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) Араб исмлари: Salahuddin Ahmed — A dictionary of Muslim names[31];

б) Туркман исмлари: С.Атаныязов — Tȕrkmen adam atlarynyn̆g̑ dȕshȕndirishli sȍzlȕgi[1];

в) Испан исмлари: J. Sierra —Spanish Baby Names: Traditional and Modern First Names of Spain and the Americans;

г) Африка исмларини ифодалайди: T. Norman —African-American Baby Name Book[29];

д) Тожик исмларини ифодаловчи: А. Гафуров —Лев и кипарис [7];

е) Татар исмларини ифодаловчи: Г.Саттаров — Татар исемлэре сузлеге [18];

ё) немис тилидаги инсон исмларини ифодалайдиган: G.F.Jones —German-American Name[23];

ж) кўп маданиятли исмларни ифодалайдиган: M.Abadie —Multicaltural Baby Names: 5,000 African, Arabic, Asian, Hawaiian, Hispanic, Indian and Native American Names.

7) антропоним луғатлари жинсига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) аёл исмлари луғатлар: J.Dalby —Baby Names for Girls;

б)эркак исмлари луғатлар: L.Alchin —The Ultimate Baby Boy Names Book.

8) диний этиқодга кўра антропоним луғатларини қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) насроний исмлар луғати: Бирлашган Қиролликлар ва Америка Қўшма Штатлар кўп конфессияли мамлакатлар бўлганлиги учун бу давлатлар аҳолисининг асосий қисми насроний динига этиқод қилади. Шунинг учун насроний исмлар луғати алоҳида тузилган: *Withycombe, E.G. The Oxford Dictionary of English Christian Names* [34].

б) мусулмон исмларининг луғати: *S.Ahmed —The Dictionary of Muslim Names*[27]. Ўзбек тилида *Зиёвуддин Рахимнинг Исм қўйиш одоблари*[15] луғатида ўғил ва қиз болалар чиройли исломий исмлари келтирилган. Э.Бегматовнинг Ўзбек исмлари маъноси[2;3;4], *Н.Бекмуродовнинг Энг чиройли исмлар маънолари*[5,6] луғатларида, *Муҳаммадҳошим Набизоданинг Исмларимиз хосияти* [14] луғатида шахс исмлари алифбо тартибида аёл ва эркаклар исмлари бирин кетин берилган. Шунингдек, луғатда хар бир исмнинг маъноси ва унинг Қурони Каримнинг оят, суралардан

келтирилганлиги ҳамда ҳадислардан берилганлиги кўрсатиб ўтилган. *Фатҳулло Ҳожи Нематуллоҳ Ҳожи ўғлининг 35000 Исмлар маъноси мучаллар, таҳаллуслар ва лақаблар* [9] ҳамда бошқа барча исмлар луғатларида исломий исмлар берилган.

9) Исмнинг ижтимоий-маданий тоифага мансублиги принципига кўра луғатларни қуйидагиларга бўлиши мумкин:

а) субмаданий – ушбу турдаги луғатларда инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг маданиятини акс эттирувчи атокли отлар мавжуд. Антропонимлар мамлакат маданиятининг ажралмас қисми ва ушбу маданият маҳсулидир. Шу муносабат билан, атокли отлар баъзан ҳатто энг кичик маданиятга ҳам таъсир қилади, бу эса ўз навбатида махсус луғатларда қайд этилади. Масалан: инглиз тилида *M. Bruno, K. Sparks —Hello, My Name Is Pabst: Baby Names for Nonconformist, Indie, Geeky, DIY, Hipster, and Alterna-Parents of Every Kind.*

б) шахснинг маълум бир ижтимоий синфга мансублигини кўрсатувчи луғатлар. Замонавий жамиятнинг молиявий фаровонликка интилиши, ота-оналарнинг фарзандларига исм қўйиш истаги бой ва машхур одамларнинг исмлари асосида бундай луғатлар тузилади. Масалан: инглиз тилида *R. Davenport —The Rich and Famous Baby Name Book: Thousand Celebrity Names for your Baby.*

10) фойдаланувчи мақомига кўра луғатлар:

а) барча фойдаланувчилар учун инглиз тилидаги *A.F.Kolatch —Dictionary of First Names*[26]; луғати барча фойдаланувчилар учун мўлжалланган: булар олимлар, чет эл маданиятини ва ном бериш анъаналарини ўрганаётган тадқиқотчилар, болага исм танлаётган ота-оналар учун ҳам бирдек мухим луғатлардир. Антропонимик луғатлар луғат тузувчиларнинг кўп йиллик изланишлари, тадқиқотлари натижасида яратилади.

б) ота-оналар учун луғатлар: Ота-оналар учун инглизча антропонимик луғатлар исмлар ҳақида керакли маълумотларни беради. Аввало, туғилмаган боласи учун исм танлайдиган ота-оналарга мўлжалланган ва шунинг учун биринчи ўринда замонавий жамиятда исмнинг жарангдорлиги, кўп қўйилиши ва машҳурлиги эьтиборга олинади. Масалан: инглиз тилида *M.Kelly —Parents Book of Baby Names* [27], ўзбек тилида *О. Исматуллаевнинг Исм – фарзанд иқболи* [8].

Юқоридаги типологияга қўшимча равишда бирон бир тоифага киритилмаган луғатлар мустақил антропонимик луғатлар деб ҳисоблаш мумкин: Масалан, Орфоэпик (талаффуз) луғати: *H.Kokeritz —Shakespeare's Names: Pronouncing Dictionary* [25], *G.M.Miller —BBC Pronouncing Dictionary of British Names*[25], ўзбек тилида яратилган барча антропонимик луғатлар асосан *Э.Бегматовнинг Ўзбек исмлари[3], Ўзбек исмлари маъноси*[5], *Н.Бекмуродовнинг Исминг –иқболинг* [6], *С.Ризаев, А.Мирзаев*нинг *Яхши исм-инсонга хусн[16]* луғатлари шахс исмларини орфографик тўғри ёзиш қоидаларига амал қилинган ҳолда тузилган.

**Натижалар.** Бугунги кунда ўзбек ва инглиз антропонимик онлайн луғатларида ҳар хил турдаги луғатларнинг хусусиятларини бирга берилишидадир. Масалан, ўзбек тилида *2023 йилда энг кўп қўйилган исмлар*; инглиз тилида *Siobhan Thomas — Best Baby Names 2021* луғатни кўришимиз мумкин. Бизнинг типологиямизга кўра, луғат қоғозга асосланган (ахборотни қайта ишлаш усули асосида); бир тилли (луғатда ишлатиладиган тилига кўра) - барча маълумотлар фақат инглиз тилида тақдим этилади; ҳар икки тилларидаги антропонимларнинг алифбо-тематик жойлашуви (луғатда сарлавҳа

сўзларини ташкил қилиш усули) - луғат 2 тематик гуруҳга бўлинган:A-З қиз болалар исмлари, ўғил болалар исмлари A-З, кичик (тақдим этилган антропонимлар ҳажми бўйича) - луғатда 14000 дан ортиқ исмлар мавжуд —over 14,000 names inside; ота-оналар учун мўлжалланган – луғатлар, фойдаланувчиси мақомига кўра); луғат номида «Baby»( чақалоқ) сўзи мавжуд бўлиб, бу луғат биринчи навбатда ота-оналарга боланинг исмини танлашда ёрдам берадиган —How to choose a name that you and your child will love for life тавсияларнинг мавжудлигидадир. Ўзбек антропоним луғатларида эса исмларнинг маънолари [10], мотивациянинг кучлилиги, истак хохишнинг юқорилиги[19], давр билан ҳамнафасликда, урфга кирган исмларнинг болаларига қўйилиши билан характерлидир.

Биз таҳлил қилган инглиз ва ўзбек антропонимик луғатлари бир вақтнинг ўзида бир нечта типологик тамойилларга жавоб беради. Бу инглиз ва ўзбек антропонимик луғатлари тилшунослик ва бошқа соҳалардаги яъни тил, тарих, маданият[11], ижтимоий ва психология ҳақида катта ҳажмдаги маълумотларни ўз ичига олган кўп қиррали лексикографик маълумотнома эканлигини кўрсатади. Инглиз ва ўзбек антропонимик луғатларининг типологияси ушбу турдаги луғатнинг умумий лексикографик тизимдаги ҳолатини аниқлаш, ономастик лексикография ва фойдаланувчилар шунингдек, мутахассислар томонидан йўналишини соддалаштириш учун тизимлаштириш мақсадида яратилган. Юқоридаги типология назарий лексикографияда қўлланиладиган умумий тавсиф параметрларига асосланади.

**Хулоса.** Луғатларни таҳлил қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, лексикографик асарлар муаллифлари нафақат фойдаланувчиларга норматив, орфоэпик ва орфографик маълумотларни ифодаловчи луғат яратишга ёрдам беради, балки антропонимларни лингвомаданиятнинг бир қисми деб билади. Антропоним луғатларини лингвомаданий категорияда таҳлил қилинади шунингдек, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Юқоридаги типологиядан кўриниб турибдики, инглиз ва ўзбек тиллари антропонимик луғатлари кўп ўлчовли лексикографик кенг қамровли фойдаланувчилар доираси учун мўлжаллангандир. Луғатлар бир томондан, саводхонлигимизни оширишга ёрдам берса, иккинчи томондан, байналминаллик мақсадларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

## Адабиётлар/Литература/References:


1. Атаныязов С.Tůrkmen adam atlarynyn͡g důshůndirishli sȯzlůgi. "Tůrkmenistan" RNChB, 1992. – 264
2. Begmatov E.A. O‘zbek ismlari ma’nosi:(Izohli lug‘at). — T.: «O‘zbskiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2007 — 608 b.
3. Begmatov E. O‘zbek ismlari. – Toshkent: Qomuslar bosh tahririyati, 1991. – 208 b.
4. Begmatov E.A. O‘zbek ismlari ma’nosi. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 608 b.
5. Bekmurodov N. Eng chiroyli ismlar ma’nolari. Toshkent: Yangi kitob, 2019 – B.528
6. Бекмуродов Н. Исминг –иқболинг. Чиройли исмлар тўплами. Т., “Янги аср авлоди”, 2015. -524 б.
7. Гафуров А. Г. Лев и кипарис. – Москва: Наука,1971. – 240 с.
8. Исматуллаев О. Исм – фарзанд иқболи. – Наманган: »Наманган» нашриёти, 2007, -123 б.

9. Fathullo Hoji Nematulloh Hoji o'g'li. 35 000 Ismlar ma'nosi muchallar, tahalluslar va laqablar. T., 2010. 509 b.
10. J.I. Akhmedovna. Lexical-semantic Features of Anthroponyms in English Language. Journal of Contemporary Issues in Business and Government 27 (No. 4), 2021, P.20-23.
11. Iroda Juraeva and Gulsara Kurbanova. Problems of linguo-cultural analysis of phraseological units in the French and Uzbek languages. Linguistics and culture review 5 (2), 2021, p.1291-1307.
12. Ковалева М.С. Английские антропонимы и их лексикографическое представление. Аторефер. дисс. канд.филол.наук. - Самара, - 2015. Стр. 24.
13. Menajiev Y.A., Azamatov X., Abdurahmonov D., Begmatov E. Ismingizning ma'nosi nima? – Toshkent: Fan, 1968. – 100 b.
14. Муҳаммадҳошим Набизода. Исмларимиз хосияти: (Исми шарифларимиз маъноси). - Т.:«Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа» ижодий уйи. 2003. 400 б.
15. Зиёвуддин Рахим. Исм қўйиш одоблари. - Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.2009.
16. Ризаев С., Мирзаев А., Яхши исм - инсонга хусн луғати.- Ташкент : Ўқитувчи, 1992. - 93 б.
17. Рыбакин А. И. Словарь английских фамилий / А. И. Рыбакин. – М.: Рус.яз., 1986. – 576 с.
18. Саттаров Г.Ф.Татар исемлэре сузлеге. – Казан: Татарстан китап нэшрияты.1981. - 256 б.
19. Ступин Л.П. Лексикография английского языка: Учеб. пособие для студентов ин-ов и фак. иностр. яз. – М.: Высш. шк., 1985. –С. 13.
20. Sodikovna, Kurbonova Gulsara, et al. "Problems of Universality and Nationality of Phraseological Units With Onomastic components in French and Uzbek Languages." Annals of the Romanian Society for Cell Biology (2021): 13485-13490.
21. Щерба Л. В. Опыт общей теории лексикографии // Языковая система и речевая деятельность / ред. Л. Р. Зиндер, М. И. Матусевич. Л. : Наука, 1974. С. 413—418.
22. Cowie A. P. The Oxford History of English Lexicography. Oxford : Oxford University Press, 2008. 1312 p.
23. Hanks P., Hodges F. A Dictionary of First Names / P. Hanks, F. Hodges. –Oxford, New York: Oxford University Press, 2006. – 443 p.
24. Jones G. F. German-American Names. – Baltimore, 1998. – 320 p.
25. Klein Shelley. The Concise Dictionary of Surnames. London. Michael O'Mara Books Limited. 2004. – p. 179.
26. Kokeritz Helge. Shakespeare's pronunciation. - Yale University Press, 1953. –P. 516 p.
27. Kolatch Alfred J. Dictionary of first names. Publisher New York, NY : Perigee Books, 1990. –p. 506.
28. Martin Kelly. Parents book of baby names. - New York, Ballantine Books, 1985. - P. 219 .
29. Miller G.M.—BBC Pronouncing Dictionary of British Names. London, Oxford University Press, 1971,- P.171.
30. Norman T. African-American Baby Name Book. – New York: Berkey Trade, 1998. – 192 p.
31. Reaney P.H. and Wilson R.M. Oxford Dictionary of English Surnames. Oxford University Press. 2005. – p. 520.
32. Salahuddin Ahmed. A dictionary of Muslim names. The United Kingdom by C.Hurst&Co. (Publishers) Ltd. 1999. P.356.
33. TurnerE. Baby Names 2023 https://www.logobook.ru/prod_show.php?object_uid=15069895
34. Tropea, J. Classical Biblical Baby Names: Timeless Names for Modern Parents. –NY.: Bantam, 2006. – 336 p.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4SI2Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/2 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).